

**SCIENCE**  
**PROBLEMS.UZ**

ISSN: 2181-1342 (ONLINE)

**№ 8 (3) - 2023**

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

---

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ  
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

---

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES  
AND SOCIAL SCIENCES



**ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ**

ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ

ELECTRONIC JOURNAL



ISSN: 2181-1342 (Online)

Сайт: <https://scienceproblems.uz>

DOI: 10.47390/SCP1342V3I8Y2023

**SCIENCEPROBLEMS.UZ**

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

*№ 8 (3)-2023*

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-  
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

**ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES**

**ТОШКЕНТ-2023**

## **БОШ МУҲАРРИР:**

Исанова Феруза Тулқиновна

## **ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

### *07.00.00-ТАРИХ ФАНЛАРИ:*

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Уктам Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Абдор – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

### *08.00.00-ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ:*

Карлибаева Рая Хожабаевна – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Худойқулов Садирдин Каримович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Азизов Шерзод Ўктамович – иқтисодиёт фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Божхона институти;

Арабов Нурали Уралович – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Холов Актам Хатамович – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Шадиева Дилдора Хамидовна – иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент в.б, Тошкент молия институти;

Шакаров Қулмат Аширович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент, Тошкент ахборот технологиялари университети

### *09.00.00-ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:*

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликков Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаҳхаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

### *10.00.00-ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Кўчимов Шухрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салахутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Раҳман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Саидов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

### *12.00.00-ЮРИДИК ФАНЛАРИ:*

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуратовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Ҳамроқулов Баҳодир Мамашарифович – юридик фанлар доктори, профессор в.б., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат ҳавфсизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Амиров Зафар Актамович – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби

#### *13.00.00-ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:*

Ҳашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шоҳида Зайниевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

#### *19.00.00-ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Каримова Васида Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш

ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психология кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

#### *22.00.00-СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:*

Латипова Нодида Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллий университети;

Содиқова Шоҳида Мархабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

#### *23.00.00-СИЁСИЙ ФАНЛАР*

Назаров Насриддин Атакулович – сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура қурилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич – сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллий университети кафедра мудири.

---

## **ОАК Рўйхати**

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

### **Crossref DOI:**

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

### **Google Scholar**

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

---

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.  
Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM” масъулияти чекланган жамият.

**Таҳририят манзили:**  
Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил: [scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)  
Телеграм канал: [https://t.me/scienceproblems\\_uz](https://t.me/scienceproblems_uz)

## МУНДАРИЖА

### 07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

- Воҳидова Комила Абдуллозизовна*  
“ЭЛ БАЙРОҒИ” ГАЗЕТАСИ ҲАҚИДА ..... 11-17
- Сулайманов Саламат Арепбаевич*  
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН МУХТОР ВИЛОЯТИДА ҚУРУҚЛИК ВА СУВ ТРАНСПОРТИ: МУАММО  
ВА ЕЧИМЛАР (1924-1932 ЙЙ) ..... 18-24
- Раунов Холмамат*  
ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА УРАН КОНЛАРИНИ ЎЗЛАШТИРИШ ТАРИХИ ..... 25-32
- Мажидов Анвар Сиражович*  
ИМПЕРИЯ МУСТАМЛАКАЧИЛИК СИЁСАТИНИНГ ТУРКИСТОН ТУБ ХАЛҚЛАРИНИНГ  
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ФУҚАРОЛИК АҲВОЛИГА ТАЪСИРИ (СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ  
МИСОЛИДА) ..... 33-40
- Begatova Nasiba Xolmurzayevna*  
FERMER HO‘JALIKLARI VA KLASSTER TIZIMI UCHUN O‘RTA MA‘LUMOTLI MUTAXASSISLARNI  
TAYYORLASH TIZIMIDAGI YUTUQLAR VA MUAMMOLAR (SURXONDARYO VILOYATI  
MISOLIDA) ..... 41-48
- Алланазаров Мурот Мирзаевич*  
БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР  
ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА ..... 49-54
- Ismoilova Feruza Ibragimovna*  
URUSH YILLARIDA XOTIN-QIZLARNING ILM-FAN VA MADANIYAT SOHALARIDAGI  
XIZMATLARI ..... 55-59
- Tursunov Xurshid Nasriddinovich*  
O‘ZBEKISTONDA MUSTAQILLIK YILLARIDA TARIXCHI KADRLAR TAYYORLASH SOHASI  
HUQUQIY ASOSLARINING YARATILISHI ..... 60-64

### 08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

- Yuldosheva Gulnoza Abdinabiyevna*  
THE ROLE OF THE DIGITAL ECONOMY IN MODELING THE FINANCIAL ACTIVITIES OF  
ENTERPRISES ..... 65-70
- Oromidinov Muzaffar Pardabayevich*  
DIRECTIONS FOR IMPROVING INTERNAL AUDIT IN COMMERCIAL BANKS ..... 71-75
- Худайназарова Дилором Хайруллаевна*  
ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТ ДОИРАСИДАГИ  
РИСКЛАРИНИ СТРАТЕГИК ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ ..... 76-84

<i>To'lov Ulug'bek Toshmamatovich, Jo'rayev Sirojiddin Muxiddin o'g'li</i> KO'CHMAS MULKNI SOLIQQA TORTISHDA XORIJIY DAVLATLARDA AMALGA OSHIRILGAN ISLOHOTLAR .....	85-92
<i>Xudayberganov Dilshod Tuxtabayevich</i> MINTAQADA XIZMAT TURLARIDAN SAMARALI RIVOJLANTIRISH YO'NALISHLARI .....	93-98
<i>Turobov Sherzod Alisherovich</i> O'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA UY XO'JALIKLARI TADBIRKORLIGINI RIVOJLANTIRISHDA DAVLAT SIYOSATI .....	99-105
<i>Шамсиев Нодир Муратович</i> МЕТОДЫ ОЦЕНКИ ПОКАЗАТЕЛЕЙ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ ПРИ АНАЛИЗЕ РЕЙТИНГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ И ИХ КАЧЕСТВЕННОЕ ОПИСАНИЕ .....	106-110
<i>Zaripova Moxira Zarip qizi</i> AGRAR SOHAGA XORIJIY INVESTITSİYALARNI JALB QILISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH IMKONIYATLARI .....	111-114
<i>Узайдуллаев Шерзод Шукуруллаевич</i> ЎЗБЕКИСТОНДА ИННОВАЦИОН ИНФРАТУЗИЛМАНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ОМИЛЛАРИ .....	115-121
<i>Atabayeva Karomat Rajabovna, Rajabova Maftuna Farhod qizi</i> O'ZBEKISTONDA TURIZM SOHASINING RIVOJLANISHI VA TAHLILI .....	122-127
<i>Жумаева Мухлиса Абдуғани қизи</i> МАМЛАКАТДА АЁЛЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ .....	128-137
<i>Камалов Акмал Сайдакбарович, Саматов Ғаффор Аллақулович</i> ГЕОИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ШАРОИТИДА ТРАНСПОРТ ЛОЙИХАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА БЎЛГАН ЁНДАШУВЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ .....	138-150
<i>Мамадиёров Олимжон Умарович</i> ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ ТАЪМИНЛАШ НАЗАРИЯЛАРИ ЭВОЛЮЦИЯСИ.....	151-158
<i>Раббимов Жахонгир Эшбоевич</i> ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ОПЕРАЦИОН РИСКЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, УЛАРНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШ САБАБЛАРИ .....	159-164
<i>Кулибоев Азамат Шоназарович</i> ДАВЛАТ ТИББИЁТ ТАШКИЛОТЛАРИДА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ .....	165-174

*Гадоев Сўҳроб Жумакулович*  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТИНИНГ ТАЪМИНОТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ЙЎЛЛАРИ ..... 175-181

*Бекжанов Дилмурод Йўлдашович*  
ЭМПИРИК ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ АСОСИДА ТУРИСТИК ДЕСТИНАЦИОН  
МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНИ ИШТИРОКЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ ..... 182-193

### **09.00.00 - ФАЛСАФА ФАНЛАРИ**

*Boydadayev Abdurroхmon Tolibjon o'g'li*  
SHARQ VA G'ARB IRRATSIONAL FALSAFASIDA PANTEISTIK QARASHLARNING QIYOSIY  
TAHLILI (J.RUMIY VA F.NITSSHE FALSAFASI MISOLIDA) ..... 194-200

*Xayridinov Abbosxon Anvarovich*  
GLOBALLASHUV JARAYONIDA MA'NAVIY MA'RIFIY INQIROZLARNING OLDINI OLISHDA  
MARKAZIY OSIYO QADRIYATLARINI YUKSALTIRISH ISTIQBOLLARI ..... 201-205

*Quramboyev Alisher Maxsudovich*  
TEMURIYLAR DAVRIDA IJTIMOY ADOLAT TAMOYILLARINING AMAL QILISHI ..... 206-211

*Jo'rayev Alisher Tulqinboyevich*  
JAMIYAT MILLIY ASOSLARINI MUSTAHKAMLASH – DAVLATNING USTUVOR  
MAQSADI..... 212-217

*Turabova Sevara Kattaqulovna*  
ILMIY VAHS FENOMENINING MANTIQUIY- GNOSEOLOGIK MAQOMINI O'RGANISHDA  
KONSEPTUAL-METODOLOGIK YONDOSHUV ..... 218-224

*Пардаева Марҳабо Давлатовна*  
АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИДА ИЛМГА ОИД ҚАРАШЛАРИНИНГ НАҚШБАНДИЯ  
ҲОЯЛАРИ БИЛАН УЙҒУНЛИГИ ..... 225-233

*Qutlimuratov Sardorbek Rustamovich*  
NIKON MUNOSABATLARINING TADRIJIY RIVOJLANISHI ..... 234-240

*Tursunkulova Shaxnoza Tuychiyevna*  
DINIY MANBALARDA GO'ZALLIK TO'G'RISIDAGI FALSAFIY QARASHLAR ..... 241-246

*Юсупова Феруза Зойировна*  
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ ЮКСАЛИШИНING МЕЗОНИ ..... 247-251

*Teshaboev Muhiddin Marifovich*  
IJTIMOIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI ..... 252-257

## **10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ**

*Soatova Nodira Isomitdinovna*

LIRO-EPIK ASARLARDA POETIK FIKRNING BADIY IFODASI ..... 258-265

*Narmuratov Zayniddin Radjabovich*

FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR LINGVOMADANIY BIRLIK SIFATIDA ..... 266-269

*Yusupova Omina Muhammadzoir kizi*

DIFFERENT CLASSIFICATION OF FAIRYTALE DISCOURSE IN WORLD AND UZBEK FOLKLORE ..... 270-276

*Бозорова Хулкар Одинакуловна*

РУССКИЙ ЯЗЫК КАК СОСТАВЛЯЮЩАЯ СОДЕРЖАНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ ..... 277-282

*Matyakubov Oybek Quralbayevich*

KOGNITIV TILSHUNOSLIKDA «KONSEPT» TUSHUNCHASI ..... 283-288

*Фатуллаева Камола Рахматуллаевна*

ТЕРМИНЛАРНИНГ БЕЛГИЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТАСНИФИ ..... 289-293

*Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna*

O'ZBEK TILIDA KAUZATIV FE'LLARNING YASALISH USULLARI ..... 294-299

*Xamzayev Otaxon Erkinovich*

INGLIZ VA O'ZBEK TILLARIDA KASB-HUNARGA OIDMAQOLLARNING CHOG'ISHTIRMA Tahlili ..... 300-305

## **12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР**

*Абдурахманова Нодирахон*

ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ СМАРТ-КОНТРАКТОВ В СНГ ..... 306-310

*Сафоева Садокат Мусоевна*

ЭКОСИСТЕМА СОЦИАЛЬНЫХ СЕТЕЙ: ИССЛЕДОВАНИЕ РОЛЕЙ ЗАИНТЕРЕСОВАННЫХ СТОРОН В КОНТЕКСТЕ ГРАЖДАНСКОГО ПРАВА ..... 311-320

*Абдуллаева Маликабону Эркин қизи*

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ОИД АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ ..... 321-330

## **13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ**

*Zoirova Lola Xamidovna*

TIBBIYOT OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA "INSON ORGANIZMINING RADIATSIYAGA SEZGIRLIGI" MAVZUSINI O'QITISHDA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARDAN



FOYDALANISH .....	331-336
<i>Ibragimov A'lamjon Amrilloevich</i> KOGNITIV SIFATLARNING UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANISHGA TA'SIRI (MAKTAB PEDAGOG XODIMLARI MISOLIDA) .....	337-343
<i>Madaminov Azimbek Egamberganovich, Xalillayev O'ktam Sobir o'g'li</i> YOSH GANDBOLCHI DARVOZABONLARNI O'YIN TEXNIKASIGA O'RGATISH .....	344-349
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ANALYSIS OF THE POSITIVE IMPACT OF DIGITAL TECHNOLOGIES ON THE MOTIVATION AND KNOWLEDGE OF STUDENTS IN THE DEVELOPMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS .....	350-355
<i>Джумаева Хулкархан Мухаммаджонова</i> ВНУТРЕННИЕ УГРОЗЫ, НЕГАТИВНО ВЛИЯЮЩИЕ НА ДУХОВНОСТЬ СТУДЕНТОВ..	356-361
<i>Islomova Madina Asqarovna</i> INTEGRATSIYALASHGAN SUN'IY INTELLEKT TOMONIDAN YARATILGAN CHATGPT BOT YORDAMIDA NEMIS TILI O'QITISHNING SAMARADORLIGINI OSHIRISH .....	362-368
<i>Raxmatova Mexrinov Majitovna</i> YOSHLAR MA'NAVIY SALOHİYATINI O'RGANISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	369-373
<i>Абдукаюмова Наргиза Райимовна</i> ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МАДАНИЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ДИДАКТИК ШАРТЛАРИ .....	374-384
<i>Norboyev Farxod Chorshanbiyevich</i> KREATIVLIK VA INNOVATSIYA BORASIDA ZAMONAVIY NAZARIYALAR .....	385-390
<i>Borasheva Aybolgan</i> EXPLORING JAMES MCCROSKEY'S RESEARCH ON WILLINGNESS TO COMMUNICATE IN L1 CONTEXTS: IMPLICATIONS FOR LANGUAGE TEACHING AND LEARNING .....	391-398
<i>Fayzullayeva Gulchexra Sharipboyevna</i> KOGNITIV TADQIQOTLARNING FANLARARO TUSHUNCHA SIFATIDAGI MOHIYATI VA MANTIQUIY TAHLILI .....	399-409
<i>Boboraximov Sanjar Malikjanovich</i> MAKTABDA O'QUVCHILARNI JISMONIY TARBIYALASHNING ZARURATI VA UNGA QO'YILADIGAN TALABLAR .....	410-414
<i>Salimova Shahlo Sayfulloyevna</i> XAVFSIZ TA'LIM MUHITI MONITORINGINING AHAMIYATI .....	415-421

<i>Sayfiddinova Jamila Ziyodulla qizi</i> METHODOLOGY FOR THE DEVELOPMENT OF LOGICAL REASONING IN PRIMARY SCHOOL PUPILS .....	422-427
<i>Xamroyev Samijon Salimovich</i> SPORT TO'GARAHLARI ORQALI TALABALARNING JISMONIY MADANIYATINI RIVOJLANTIRISH KOMPONENTLARI .....	428-433
<i>Kattaeva Feruza Shakirovna</i> DEVELOPING STUDENTS SOCIO-CULTURAL COMPETENCE BY USING SOCIO CULTURAL DISCOURSE ANALYSIS METHOD .....	434-441
<i>G'ofurov Azizbek Umarjonovich</i> BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA FANI O'QITUVCHILARINI TAYYORLASH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH .....	442-447
<i>Abduraximova Umida Shuxratovna</i> BO'LAJAK TARJIMONLARNING LINGVOMADANIY VA KOMMUNIKATIV KOMPETENTLIGINI RIVOJLANTIRISHNING NAZARIY-METODOLOGIK ASOSLARI .....	448-454
<i>Obidova Gulmira Kuzibaevna</i> INGLIZ TILINI O'RGANISH JARAYONIDA TEXNIKA TA'LIM YO'NALISHI TALABALARIDA EKOLOGIK MADANIYAT ASOSLARINI SHAKLLANTIRISHDA ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEKNOLOGIYALAR VA INTERAKTIV METODLAR .....	455-460
<i>Axmadaliyeva Xosiyatpochsho Abduxayotovna</i> PROFESSIONAL TA'LIM YO'NALISHLARIDA TAHSIL OLAYOTGAN O'QUVCHILARNING INGLIZ TILIDAN KOMMUNIKATIV KOMPETENSIYASINI AUTENTIK MATERIALLAR ORQALI TAKOMILLASHTIRISH .....	461-469

07.00.00 – Тарих фанлари

**Алланазаров Мурот Мирзаевич**  
Термиз давлат университети катта ўқитувчиси,  
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).  
[murodallanazarov00@gmail.com](mailto:murodallanazarov00@gmail.com)

### **БУХОРО ХАЛҚ СОВЕТ РЕСПУБЛИКАСИ НОЗИРЛАР ШЎРОСИ ВА МИЛЛИЙ РАҲБАР ХОДИМЛАР ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА**

**Аннотация.** Мақолада Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) ҳукумати - Халқ Нозирлар Шўроси деб аталганлиги, у ҳам худди Бухоро Ревкоми сингари 1920 йил август ойида 9 кишидан иборат таркибда илк марта тузилганлиги, сўнгра амирлик ҳокимияти ағдалиб, 1920 йил 14 сентябрда Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Қўмита ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети умумий йиғилишида Файзулла Хўжаев раислигида 9 нафар, кейинчалик 10 кишидан иборат ҳукумат - БХСР Нозирлар Шўроси фаолияти ҳақида сўз боради.

**Калит сўзлар:** БХСР Халқ Нозирлар Шўроси, Нозирликлар, Нозирлар фаолияти, БХСР ҳукумат аъзолари, ёш бухороликлар, тараққийпрарварлар.

**Allanazarov Murat Mirzaevich**  
PhD, Senior lecturer of Termiz State University

### **ON THE ACTIVITIES OF THE COUNCIL OF SUPERVISORS AND NATIONAL LEADING STAFF OF THE BUKHARA SOVIET PEOPLE'S REPUBLIC**

**Abstract.** This article discusses the government of the Bukhara Soviet People's Republic (BSPR) which was called the Council of People's Supervisors, like the Bukhara Revkom, was first formed in August 1920 with a composition of 9 people, then the emirate was overthrown, and on September 14, 1920, the Council of People's Supervisors, the Revolutionary Committee and the Central Committee of the Bukhara Communist Party were chaired by Faizulla Khojaev for the activities of the government of 9 people, later 10 people - the Soviet of Supervisors of the BSPR.

**Key words:** People's Council of Supervisors of the BSPR, Supervisors, activities of the Supervisors, members of the government of the BSPR, young Bukharans, progressives.

**Алланазаров Мурот Мирзаевич**  
PhD, старший преподаватель  
Термезского государственного университета

### **О ДЕЯТЕЛЬНОСТИ НАБЛЮДАТЕЛЬНОГО СОВЕТА И НАЦИОНАЛЬНОГО РУКОВОДСТВА БУХАРСКОЙ СОВЕТСКОЙ НАРОДНОЙ РЕСПУБЛИКИ**

**Аннотация.** В данной статье рассматривается правительство Бухарской Советской Народной Республики (БСПР), которое называлось Советом народных контролеров, как и Бухарский ревком, впервые было сформировано в августе 1920 года в составе 9 человек, затем эмират был свергнут, и 14 сентября 1920 года Совет народных контролеров был образован в Бухаре. народных контролеров,

Революционный комитет и Центральный комитет Бухарской коммунистической партии возглавлял Файзулла Ходжаев, отвечавший за деятельность правительства из 9 человек, позже из 10 человек - Совета контролеров БСПР.

**Ключевые слова:** Народный наблюдательный совет БСПР, контролеры, деятельность контролеров, члены правительства БСПР, молодые бухарцы, прогрессисты.

DOI: <https://doi.org/10.47390/SCP1342V3I8Y2023N06>

**Кириш.** Бухоро Халқ Совет Республикаси ҳукумати Халқ Нозирлар Шўроси деб аталган. У ҳам худди Бухоро Ревкоми сингари 1920 йил август ойида 9 кишидан иборат таркибда илк марта тузилган эди. Сўнгра амирлик ҳокимияти ағдалириб, 1920 йил 14 сентябрда Халқ Нозирлар Шўроси, Инқилобий Қўмита ва Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети умумий йиғилишида Файзулла Хўжаев раислигида 9 нафар кишидан иборат ҳукумат — БХСР Нозирлар Шўроси ҳам тўлиқ шаклланди.

Бухоро жадидлари ўзларининг ислохотчилик ғояларини янги ҳукуматдаги фаолиятлари давомида амалга оширишга интилдилар.

Файзулла Хўжаев бошчилигидаги БХСРнинг дастлабки ҳукумати аъзолари бўлган 9 нафар Халқ Нозирлари, яъни вазирларнинг ҳар бири фаолияти тўғрисида бу ўринда махсус тўхталиб ўтмоқчимиз.

**Адабиётлар таҳлили ва методология.** Файзулла Хўжаев [Файзулла Хўжа Убайдулла Хўжа ўғли] (1886-1938) – таниқли давлат ва жамоат арбоби, Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, БХСР Нозирлар Шўроси раиси (1920-1924), Ўзбекистон ССР Марказий Ревкоми раиси (1924-1925), Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси (1925-1937) каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатган. Файзулла Хўжаев ўз фаолияти билан ўзбек халқига хизмат қилишининг олий намунасини дунёга кўрсатди [1; 530-531 бетлар].

БХСР ҳукумати таркиби ҳужжатларда ёзилганда, Бош вазир ҳамда Хорижий [Ташқи ишлар] халқ нозиридан кейин Маориф халқ нозирлари Пўлатов [Қори Йўлдош Пўлатов] фамилияси келади. Қори Йўлдош Пўлатов (1890-1965) Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан биридир. У Карки шаҳрида ўзбек уламлари оиласида туғилган. Мир Араб мадрасасида таҳсил олган. Янги усул мактаблари очган ва муаллимлик қилган. Ёш бухороликлар фирқасининг Карки шуъбаси бошлиғи (1912 йилдан) бўлган.

БХСР ташкил топгач, Қори Йўлдош Пўлатов Маориф халқ нозирлари (1920-1922), Ички ишлар халқ нозирлари (1922), Молия халқ нозирлари ва Бухоро Иқтисодий Кенгаши (Экосо) раиси (1922-1923). Москванинг талаби билан у 1923 йил июнда БХСР ҳукумати таркибидан чиқарилиб, Бухородан бадарға қилинган.

Ф.Хўжаев келтирган ҳукумат аъзоларининг дастлабки рўйхатида учинчи бўлиб Доҳилия [Ички ишлар] халқ нозирлари Мухтор Саиджонов (1893-1937) туради.

**Муҳокама.** Бухорода амирлик ҳокимияти ағдалириб ташлангач, Мухтор Саиджонов БХСР Ички ишлар халқ нозирлари (1920 йил сентябрь-1921 йил май; 1922 йил март-1923 йил август), Давлат назорати халқ нозирлари (1920 йил ноябрь-1921 йил май), БХСРнинг РСФСР ҳукумати ҳузуридаги махсус вакили (1921 йил май-1922 йил март), Бухоро Коммунистик партияси Марказий Комитети масъул котиби (1921 йил декабрь-1923 йил), БХСР Марказий Ижроия Қўмитаси масъул котиби (1923 йил август-1924 йил октябрь) каби масъул лавозимларда фаолият кўрсатди [2; 68-69 бетлар].

Давлат контроли нозири Нажиб Хусаинов (1885-1937) бўлган. У Қозон губерниясидаги Мамадши уездида татар оиласида туғилган. Н.Хусаинов Бухоро коммунистик партияси Марказий Комитети раиси (1919 йил декабрь-1920 йил октябрь) ҳамда “сўл” коммунистларнинг етакчиларидан бири эди. Маълумки, 1920-1921 йилларда Бухоро Коммунистик партияси ичида 3 та гуруҳ: “сўл” коммунистлар (Нажиб Хусаинов [3; 214-218 бетлар], Ҳасан Алиев, Ҳожи Ҳасан Иброҳимов, Мирза Баҳром Аҳмедов, Ражаб Муҳамедиев, Олимжон Акчурин ва б.); “ўнг” коммунистлар (Абдулқодир Муҳитдинов ҳамда биродарлари); марказчилар (Файзулла Хўжаев, Мухторжон Саиджонов, Муинжон Аминов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев, Мирмуҳсин, Аннагелди Омонов, Абдурашид Мукамилов, Отаулла Хўжаев ва б.) шиддатли ғоявий кураш олиб борган [4; 497-498 бетлар].

Фавқуллода Комиссия раиси Юсуф Ибрагимов (1895-1961) бўлган. Асли миллати татар бўлган. Юсуф Эҳсонович Ибрагимов Пржевалск шаҳрида ўртаҳол деҳқон оиласида туғилган. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларида қатнашган. Петроград Марказий мусулмонлар комиссарлиги ҳарбий бўлими мудирини (1917 йил декабрь-1918 йил март). Большевиклар томонидан 1918 йил баҳорида Туркистондаги қизил армия ихтиёрига юборилган. 1-Волгабўйи татар бригадаси командири. 1920 йил мартдан Туркистон fronti РВС (Инқилобий ҳарбий кенгаш) аъзоси. Бухоро амирлигини тугатишда ҳамда Хоразмда Жунаидхонга қарши жангларда қатнашган [5; 518-бет].

Юсуф Ибрагимов ўзбек халқига нисбатан қатағон сиёсатини олиб борган Марказ вакилларида бири эди. У Бухорода Фавқуллода Комиссия раиси ҳамда Б.Шаҳобиддинов ўрнига Ҳарбий ишлар халқ нозири бўлиб турганда (1920-1921 йилларда) маҳаллий аҳолини асосиз тарзда қатағон қилиш ва қамаш, уларнинг мол-мулкни тортиб олиш билан шуғулланган. БХСР ҳукуматининг қатъий талаби билан 1921 йилда Ю.Ибрагимов Бухородан Москвага чақириб олинган. У кейинчалик совет давлатининг Туркиядаги мухтор элчиси бўлиб ишлаган.

БХСР ҳукумати таркибига Адлия халқ нозири бўлган Мукамил Бурхонов алоҳида ўрин тутди. Мукамил Бурхонов Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаси, давлат ва жамоат арбоби ҳисобланади.

Ҳукумат аъзолари рўйхатини (биринчи таркибда саккизинчи, иккинчи таркибда тўққизинчи бўлиб) Ҳарбия [Ҳарбий ишлар] халқ нозири Баҳовиддин Шаҳобиддинов (1892-1920) яқунлаб беради. Б.Шаҳобиддиновнинг ҳам миллати татар бўлган. Россия империяси Тамбов губерниясининг Азеево қишлоғида туғилган. Туркистон минтақасида истиқлолчиларга қарши курашда фаоллик кўрсатган. У Тошкентда 1919 йил январда совет ҳокимиятига қарши кўтарилган Осипов исёнини бостиришда ҳам қатнашган. 1919 йилдан қизил армия миллий қисмларини тайёрлаш бўйича штаб бошлиғи. Еттисув области ҳарбий комиссари. Верний (ҳозирги Алмати) шаҳрида большевик-ларга қарши 1919 йил июнда кўтарилган исённи бостиришда иштирок этган. Туркистон АССР МИК ҳамда МИК Президиуми аъзоси [6; 15-бет].

Б.Шаҳобиддинов қизил армиянинг Туркистон fronti таркибидаги татар қисмлари сафида 1920 йил сентябрда Бухоро шаҳрини босиб олишда бевосита қатнашган. Маҳаллий аҳолига нисбатан шафқатсиз бўлган. Большевикларнинг талаби билан БХСР ҳукуматининг дастлабки таркибида Ҳарбий ишлар халқ нозири бўлган эди. Бироқ орадан икки ой ҳам ўтмасдан Бухорода 1920 йил 21 октябрда тўсатдан вафот

этгач, бу лавозимни дастлаб Бухоро Фавқуллода комиссияси раиси Юсуф Ибрагимов (бошқа бир татар) эгаллайди. Умуман олганда, бу пайтда татарлардан чиққан коммунистлар ва совет ходимлари Туркистон, Бухоро ва Хоразм республикаларида анча кўп бўлиб, улар Марказ манфаатлари йўлида кўплаб жирканч ишларни амалга оширишди. 1920 йил 6-8 октябрда Бутунбухоро халқ вакилларининг I қурултойида Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) тузилганлиги эълон қилинди. Бу давлат тузуми жиҳатидан халқ демократик республикаси эди. Унинг зиммасида ўрта асрчилик анъаналари мерос қолган амирлик Бухоросини демократик давлатга айлантиришдек тарихий вазифани бажариш турар эди.

**Натижалар.** Баъзи тарихий манбаларда қайд этилишича, Бутунбухоро халқ вакиллари I қурултойи (1920 йил октябрь)дан кейин БХСР ҳукумати таркибида ҳам айрим ўзгаришлар қилинган. Абдулқодир Муҳитдинов Бутунбухоро Марказий Инқилобий Қўмитаси раиси қилиб сайлангани учун Ер ишлари [Деҳқончилик] халқ нозири лавозимига Абдураҳим Юсуфзода тайинланади. Ҳукумат таркибида яна иккита қўшимча нозирлик ташкил қилиниб, уларга Марказий Ревком раиси А.Муҳитдиновнинг отаси Мирзо Муҳиддин Мансуров (Савдо ва саноат халқ нозири) ва акаси Мирзо Исом Муҳитдинов (Озиқ-овқат халқ нозири) нозир қилиб тайинландилар. Ҳукумат раиси Файзулла Хўжаев 1921 йил бошларидан бошлаб Ҳарбий ишлар халқ нозири лавозимини ҳам бажаришга киришди.

Абдураҳим Юсуфзода (1880-1937) – Бухорода жадидчилик ҳаракатининг таниқли намояндаси бўлган. Андижонда тўқувчи хунарманд оиласида туғилган. У Андижон ва Бухородаги мадрасаларда таҳсил олган. Бухородаги Аёзбий мадрасасида 1905-1917 йилларда мудarrisлик қилган. 1912 йилдан Ёш бухороликлар партиясида фаол қатнашган [7; 42-79 бетлар].

БХСР тузилгач, Абдураҳим Юсуфзода Чоржўй вилояти инқилобий қўмитаси раисининг ўринбосари, БХСР Деҳқончилик (Ер ишлари) халқ нозири (1920-1921), БХСР нинг Афғонистондаги элчиси (1921-1922), Адлия халқ нозири (1922-1923), Маориф халқ нозирлигида Вақф ишлари бўйича махсус комиссия раиси (1923), БХСР нинг Москвадаги элчиси (1923-1924) лавозимларида ишлаган [8; 74-75 бетлар]. А.Юсуфзода Москвада ўзбек ва рус тилларида 1924 йили нашр этилган “Бухарская жизнь” (“Бухоро турмуши”) журналини ташкил этган ҳамда унга муҳаррирлик қилган [8; 74-75 бетлар].

Мирзо Муҳиддин Мансуров – Бухородаги йирик сармоядор ва савдогарлардан бири. Бухорода аслзода хонадонидан 1860 йилда туғилган [9; 13-14 бетлар].

Йирик савдогар ва саноатчи бойлардан бўлган. Бухоро шаҳри ва бошқа жойларда пахта тозалаш заводлари кўп бўлган. Амирликдаги 5 нафар маҳаллий миллионерлар (Амир Саид Олимхон, Убайдуллахўжа Қосимхўжа ўғли, Карвонбоши Абдурауфхўжа Азизов, Мирзо Муҳиддин Мансуров, Чорикулбой)дан бири. Бироқ амирлик ҳокимиятига муҳолифатда бўлган ҳамда 1900 йилдан бошлаб Бухородаги жадидчилик ҳаракатида фаол қатнашган. Бухорода дастлабки газета – “Бухоройи-Шариф” бевосита унинг ташаббуси ва моддий кўмагида чоп этилган.

Айрим маълумотларга қараганда, Муҳиддин Мансуров 1921 йил 29-мартдан бошлаб БХСР Иқтисодиёт халқ нозирлигини бошқарган. Нозирлик ҳайъатида унинг ўғли Мирзо Исом Муҳитдинов ҳам бўлган [10; 252-бет].

1921 йил сентябрда бўлган II қурултойда Бухоро Халқ Нозирлар Шўроси таркиби (10 та нозирлик) қуйидагича шаклланди.

Файзулла Хўжаев — раис ва ташқи ишлар нозир.

Абдулқодир Муҳитдинов — иқтисодиёт нозир.

Ота (Отаулла) Хўжаев — ички ишлар нозир.

Юсуф Иброҳимов — ер-сув ишлари нозир.

Абдулҳамид Орифов — ҳарбий ишлар нозир.

Қори Йўлдош Пўлатов — маориф нозир.

Ҳошим Шойиқ — молия нозир.

Раҳмат Рафиқ — адлия нозир.

Ҳакимов — меҳнат ва ижтимоий таъминот нозир.

Мухтор Саиджонов — давлат назорати нозир [11; 179-бет]. лавозимларида миллий раҳбар ходимлар фаолият юрита бошладилар.

Бутунбухоро халқ вакилларининг II қурултоида БХСР Нозирлар Шўросининг раиси ва Ташқи ишлар халқ нозир Файзулла Хўжаев ўз лавозимини сақлаб қолди. Бу гал ҳукумат таркиби 10 та халқ нозирлигидан иборат қилиб тузилди ҳамда нозирлар таркибига жиддий ўзгаришлар киритилди. Ҳукумат таркибига Абдулқодир Муҳитдинов Иқтисодиёт нозир сифатида биринчи марта жалб қилинди. Биринчи ҳукуматда унинг отаси Муҳиддин Мансуров ва акаси Мирзо Исом Савдо ва саноат халқ нозирлигини бошқаришган эди. Отаулла Хўжаев эса ҳукумат таркибига янги аъзо сифатида киритилиб, Ички ишлар халқ нозир лавозимини эгаллади (Мухторжон Саиджонов ўрнига). Аввалги ҳукуматда Фавқуллода комиссия раиси бўлган Юсуф Ибрагимов Ер-сув ишлари халқ нозир (Абдураҳим Юсуфзода ўрнига) лавозимини эгаллади. Абдулҳамид Орифов Ҳарбий ишлар халқ нозир бўлди (Файзулла Хўжаев ўрнига). Фақат Маориф халқ нозир Қори Йўлдош Пўлатов ўз лавозимини сақлаб қолди. Қурултоида Бутунбухоро Марказий Ижроия Қўмитасининг биринчи раиси лавозимига сайланган Усмон Хўжа ўрнига Ҳошим Шойиқ Молия халқ нозир бўлди. Мухтор Саиджонов Давлат назорати нозир бўлди (Нажиб Ҳусаинов ўрнига). Ҳукумат таркибида янги нозирлик бўлган Меҳнат ва ижтимоий таъминот халқ нозирлигини Ҳакимов [Носир Ҳакимов] бошқаришга киришди [12; 7-бет].

**Хулоса.** Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1920 йил 31 октябрда БХСР да Соғлиқни сақлаш халқ нозирлиги илк марта ташкил топган. У 1921 йил 4 майда Соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот халқ нозирлигига айлантирилган [13; 7-бет]. Бу нозирликдан 1922 йили БХСР Меҳнат Кенгаши [14; 4-бет]. ҳамда 1923 йил май ойида Ички ишлар халқ нозирлиги таркибида Соғлиқни сақлаш марказий бўлими ташкил топган. Кейинчалик бу нозирлик, кенгаш ёки бўлимлар ҳам ўзгартирилиб, турлича номланган.

### Adabiyotlar/Literatūra/References:

1. Ражабов Қ. Файзулла Хўжаев // Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Том 9. – Тошкент: ЎЗМЭ Давлат илмий нашриёти, 2005. – Б. 530-531.
2. Ражабов Қ. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда қатағон қилиниши // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2012. – Б. 68-69.

3. Нажиб Хусаинов 1937 йили совет режими томонидан қатағон қилинган. Бу ҳақда қаранг: Революцией призванные. Биографические очерки. – Ташкент: Узбекистан, 1987. – С. 214-218.
4. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч томлик. Том I. – Б. 497-498, 504-507.
5. Ибрагимов Юсуф // Ўзбек Совет Энциклопедияси. Том 4. – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1973. – Б. 518.
6. Шаҳобиддинов Баҳовиддин // Ўзбек Совет Энциклопедияси. Том 13. – Тошкент: ЎзСЭ Бош редакцияси, 1979. – Б. 15.
7. Шамсутдинов Р. Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б. 42-79.
8. Ражабов Қ. БХСР собиқ раҳбарларининг 1937 йилда қатағон қилиниши // Ўзбекистонда совет давлатининг қатағон сиёсати: келиб чиқиши сабаблари ва фожиали оқибатлари (Илмий мақолалар тўплами). – Тошкент, 2012. – Б. 74-75.
9. Амонова Ф. Бухоро амирлиги иқтисодиётида саноат корхоналарининг тутган ўрни (XIX аср иккинчи ярми –XX аср бошлари). Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2021. – Б. 13-14.
10. Ўзбекистон милиий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 252-варақ.
11. Ўзбекистон миллий архиви, 48-фонд, 1 -рўйхат, 9-иш, 179-варақ.
12. Ўзбекистон милиий архиви, 48-фонд, 1-рўйхат, 15-иш, 7-варақ.
13. Ўзбекистон милиий архиви, 61-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 7-варақ.
14. Ўзбекистон милиий архиви, 63-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 4-варақ.



# SCIENCEPROBLEMS.UZ

## ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

*№ 8 (3)-2023*

## АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО- ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

## ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари** электрон журнали 2020 йил 6 август куни 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

**Муассис:** "SCIENCEPROBLEMS TEAM"  
масъулияти чекланган жамияти

**Таҳририят манзили:**

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй. Электрон манзил:

[scienceproblems.uz@gmail.com](mailto:scienceproblems.uz@gmail.com)

**Боғланиш учун телефонлар:**

(99) 602-09-84 (telegram).